

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ

51 **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сонли қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш ҳамда акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 январь,
ПҚ–2737-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 23 январдаги
ПҚ–2737-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига
киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида» 2012 йил 22 ноябрдаги ПП–1856-сонли қарори 6-илласидаги 13-позиция чиқариб ташлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2015 йилларда

Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида» 2013 йил 12 июлдаги ПП–2000-сонли қарори 6-иловасидаги 9 ва 16-позициялар чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сонли қарорида:

а) 1-иловасида:

I бўлимда:

«Ўзкимёсаноат» ДАК», «Ўзавтосаноат» АК», «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси», «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» кичик бўлимлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин; 13, 15, 16 ва 23-позициялар чиқариб ташлансин;

II бўлимдан 51 ва 54-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

I бўлимдан 3, 4, 30 ва 210-позициялар чиқариб ташлансин;

II бўлимдаги «Ўзағромашсервис» уюшмаси ва «Бошқалар» кичик бўлимлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

изоҳнинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 4-иловадаги 2 — 6, 19 — 21, 24 — 28, 69, 157, 166-167, 172-173, 179, 188, 232, 237-238, 267, 279, 301, 304 ва 305-позициялар чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. № 6, 56-модда):

а) 2-иловадаги 14, 40, 46 ва 48-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

«Ўзавтосаноат» АК» бўлими қуйидаги мазмундаги 8-позицияси билан тўлдирилсин:

« 8¹. «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ Жиззах вилояти »;

«Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК» бўлими қуйидаги мазмундаги 52¹-позицияси билан тўлдирилсин:

« 52¹. «Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК Тошкент ш. »;

«Ўзбекнефтогаз» МХК» бўлими қуйидаги мазмундаги 215¹ — 215³-позициялари билан тўлдирилсин

« 215 ¹ .	«Ўзнефтогазмаш» АК	Тошкент вилояти
215 ² .	«Ўзнефтогазқурилишинвест» АК	Тошкент ш.
215 ³ .	«Махсус энерго газ» АЖ	Тошкент ш.

»;

«Ҳоқимликлар» бўлими қуйидаги мазмундаги 257¹ — 257⁴-позициялари билан тўлдирилсин:

257 ¹ .	«Гулистон шаҳар деҳқон бозори» АЖ	Сирдарё вилояти
257 ² .	«Сирдарё Гулистон савдо комплекси» АЖ	Сирдарё вилояти
257 ³ .	«Хўжаи жаҳон савдо комплекси» АЖ	Бухоро вилояти
257 ⁴ .	«Ипакчи файз тонги» АЖ	Фарғона вилояти

«Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» бўли-мидан кейин қуйидаги мазмундаги бўлимлар билан тўлдирилсин:

« **Ўзқурилишматериаллари» АЖ**

265.	«Ўзқурилишматериаллари» АЖ	Тошкент ш.
«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ		
266.	«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ	Тошкент ш.
267.	«Қорақалпоқ Агрокимёҳимоя» АЖ	Қорақалпоғистон Республикаси
268.	«Андижон Агрокимёҳимоя» АЖ	Андижон вилояти
269.	«Бухоро Агрокимёҳимоя» АЖ	Бухоро вилояти
270.	«Жиззах Агрокимёҳимоя» АЖ	Жиззах вилояти
271.	«Қашқадарё Агрокимёҳимоя» АЖ	Қашқадарё вилояти
272.	«Навоий Агрокимёҳимоя» АЖ	Навоий вилояти
273.	«Наманган Агрокимёҳимоя» АЖ	Наманган вилояти
274.	Самарқанд Агрокимёҳимоя» АЖ	Самарқанд вилояти
275.	Сирдарё Агрокимёҳимоя» АЖ	Сирдарё вилояти
276.	Сурхондарё Агрокимёҳимоя» АЖ	Сурхондарё вилояти
277.	Тошкент Агрокимёҳимоя» АЖ	Тошкент вилояти
278.	Фарғона Агрокимёҳимоя» АЖ	Фарғона вилояти
279.	Хоразм Агрокимёҳимоя» АЖ	Хоразм вилояти

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бо-расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сонли қарорининг бажарилиши ҳақида» 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. № 32, 388-модда):

а) 2-бандида:

иккинчи хатбошидаги «26 та акциядорлик жамиятига» ва «2016 йил 1 ноябр-гача» сўзлари «акциядорлик жамиятларига» ва «2017 йил 1 октябр-гача» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «61 та акциядорлик жамиятига 2016 йил 31 декабр-гача хорижий инвесторларни» сўзлари «акциядорлик жамиятларига 2017 йил 31 декабр-гача хорижий инвесторларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-иловасида:

номидаги «2016 йил 1 ноябрғача» сўзлари «2017 йил 1 октябрғача» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзавтосаноат» АК» кичик бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-иловасида:

номидаги «2016» рақами «2017» рақами билан алмаштирилсин;
16, 20, 22, 27, 47, 49 — 52 ва 59-позициялар чиқариб ташлансин;

г) 5-иловасида:

«Хўжалик бошқаруви органлари» бўлимидан 28-позиция чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 36 — 42-позициялар билан тўлдирилсин:

« 36.	«Ўзэлектротерм» АЖ	Наманган вилояти
37.	«Наманган улгуржи савдо» АЖ	Наманган вилояти
38.	«Ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси» АЖ	Навоний вилояти
39.	«Автотранс қурилиш механизация» АЖ	Навоний вилояти
40.	«Мехмост» АЖ	Тошкент ш.
41.	«Тожметал» АЖ	Андижон вилояти
42.	«93-махсус трест» АЖ	Тошкент ш.

».